

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ**  
**ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА**  
**ТУТГАН ЎРНИ**

мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**27 апрель**

	Зарипова Г.К. Раджабова М.М. Ҳозирги кунда баркамол авлодни тарбиялашда нақшбандия тариқати рашҳаларининг тутган ўрни .....	163
	Ш.М.Улугова. Нақшбандия таълимотида комил инсон тарбияси .....	164
	Қодиров Давронбек. Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг “Ғибтафармойи Сурайё” сифатининг маъноси .....	165
	Ражабова Дилноза. АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	166
	Хайтов Л.А. А. Ғиждувоний маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.....	168
	Зарипова Г.К. Муродова Д.А. Мустақиллик йилларида мумтоз меросимизни, жумладан, нақшбандия тариқатининг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти .....	169
	Rahmonova Zaynura. Abdullayeva L.S. NAQSHBANDIYA TARIQATINING YOSHLAR PEDAGOGIKASIDAGI O’RNI VA AHAMIYATI .....	170
	Shohjahon Toshpo’latov. Hazrati Bahouddin Naqshbandning hayot yo’li, tariqati va tasavvufiy-falsafiy g’oyalarida diniy bag’rikenglik masalalari .....	171
	M.Sulaymonova. Amir Temur va Temuriylar davrida naqshbandiylik tariqatiga munosabat.....	173
	A.T. Qayumova. Ibn Xalduinning diniy-falsafiy qarashlari .....	174
	Адилов З. ЗАРДУШТИЙЛИҚДА ТАБИАТ БОРЛИГИГА МУНОСОБАТ.....	175
	Қодирова М.М. Ислому тасаввуфда иқтисодий масалалар ва меҳнат қилиш ўзига хос талқини .....	177
	Нарзиёв З.И. Абулхасан Хужвирийнинг “Қашф ул маҳжуб” асари Нақшбандия тариқати тушунчалари генезиси шаклланишида муҳим манба .....	178
	Қазымова Г.Х. МАЙМОНИД И ЗАКОН «ЗОЛОТОЙ СЕРЕДИНЫ».....	181
	A.T. Qayumova. Ibn Xaldun ta’limotida ilmlar tasnifi.....	182
	Хайитов Ш.А. Ўрта аср Бухоро мадания-маърифий ҳаётини ўрганишда Хожাগон-Нақшбандия меросининг тарихий аҳамияти. Туркияда Бухоро нақшбандия шайхларининг ўзбек (такя) теккелари тарихидан .....	183
	Қазимова Гулнора. IX – XII асрларда фалсафий фикрнинг ривожланиши.....	184
	Музаффаров Фироз. МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙ ВА УНИНГ НАСИҲАТ УЛ-МУЛҚ АСАРИ ҲАҚИДА.....	185
	Орзиёв М.З. Нақшбандия тариқати ва унинг тарқалишида хусусида (“Туркистон тўплами” маълумотлари асосида) .....	186
	Раъно Раупова, ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ – ЎРТА АСР ЮКСАЛИШ ДАВРИ ВАКИЛИ .....	187
	Орзиёв М.З. Ахтамов И.И. Нақшбандия тариқатининг тарқалиши тарихидан лавҳалар .....	188
	И.Х. Курбанов. Золотое наследие средневековья древней Бухары .....	189
	Rajabova Dilnoza. TASAVVUFDA ISHQ BAYONI VA AZIZIDDIN NASAFIY TALQINI.....	190
	A.I.Tўраев. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ЁЙИЛИШИ .....	193
	Зарипова Г.К. Раджабова М.М.Олий таълим жараёнида нақшбандия таълимотини ёшларга ўргатиш технологияси.....	194
	5-шўъба. “Етти Пир” зиёрат туризмни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.....	196
	Murodova .D., Namroyeva.R. O’zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishda naqshbandiya tariqatining tarixiy ahamiyati .....	196
	Xaitov L.A., Temirova M.S. “Yetti Pir” ziyorat turizmini rivojlantirish xususida.....	197
	Шавкат Бобожонов. Дилдора Бакаева. “НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ” МУЗЕЙИ – МАЪРИФАТ МАСКАНИ	198
	Самиева Ф.О. Салимова Д.Б. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этилиши тарихи тўғрисида.....	199
	Салимова Д.Б., Нуриддинова А.И. Нақшбандия тариқатининг ғоявий – технологик асослари .....	200
	Ҳотамова Дилдора. Ислому минтақа маданияти ривожидида аждодларимиз яратган меросининг ўрни.....	202
	SH.Murtazoyev, SH.Ahadov. Millatimiz ifixori .....	204
	Г.Ж.Тошова. Сафарова Н. НазароваД. Ҳамкорлик педагогикасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда укув масканлари, ота-оналар, маҳаллаларнинг улкан роли. ....	205

Маълумотларнинг барчаси тарихий ҳақиқатга мос келмаседа, ўша давр тадқиқотлари учун анчагина салмоқли мақола бўлган дейишга барча асослар мавжуд. Мақолада, Хўжа аҳрорнинг 1388 йилда Тошкент яқинидаги Боғистонда туғилганлиги, ёшлигида Баҳоуддин Нақшбанддан таълим олиш учун Бухорога йўл олгани, унинг устозлари Қосим Анвар, Шарафиддин, Сирожиддин, Хусомиддин, Холид Шошйлар бўлгани, кейинроқ Самарқандга келгани ва Яқуб Чархийдан таълим олгани, теуурийлар ўртасидаги курсларни тинч йўл билан хал этгани сабабли катта шуҳрат топгани билан боғлиқ маълумотларни "Туркистон тўплами"нинг 492-сонидаги маълумотлардан билиб олиш мумкин<sup>1</sup>.

Нақшбандийлик тариқатининг мазмун-мҳияти фақирона ҳаёт кечириш, ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмаслик, дунёнинг ўткинчилиги ва яшашдан мақсад оддий инсонларга ёрдам бериш зарурлиги, ушбу ғояни тарғиб қилишда қаландарлар ва уларнинг фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган мақола ва хабарлар тўпланда анчагина салмоққа эга. Айниқса, Машраб ва унинг девони хусусидаги маълумотлар диққатга сазовордир. Машрабнинг қаландарлик фаолияти, қаландарлар, улар ўзларини Нақшбандия тариқати вакиллари деб билишлари, Хўжа Баҳоуддин Нақшбандни эса, ўзларининг пирлари деб билишлари тўпланиннг 534-сонли томида келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин<sup>2</sup>.

Нақшбандийлик тариқатини бошқа ҳудудларга ҳам тарқалиш тарихи ҳам тадқиқ этилганлигига оид маълумотлар "Туркистон тўплами"да келтирилган бўлиб, тадқиқотларни олиб борган Россия империяси вакиллари бу сўфийлик тариқатини империя учун хавfli эканлигини таъкидлаганлар. Мисол тариқасида тўпланиннг 462-томиди Е.Смирновнинг "Туркистонда дарвишизм" мақоласи келтирилган бўлиб, унда; Нақшбандийликни Кавказга тарқалишида Бухоролик сўфи Қози Муҳаммад фаолияти катта бўлганлиги, тоғликлар уни Мулло Қози деб атагани ва катта ҳурмат, эътиборга эга бўлгани, тахминан XIX аср бошларида бугун Кавказ мусулмонлари орасига нақшбандийлик тарқалгани, Рус истилосига қарши курашда бу тариқат ва унинг намоедалари аҳолини рағбатлантирганлиги, XIX аср 30 йилларда Қози Муҳаммад ўлдирилади шундан сўнг у ғайридинларга қарши курашиб вафот этган ғозий сифатида эъзозланганлиги, Шомил ўзини унинг шогирди деб эълон қилиши, аслида дарвишизм (ўша давр Россия адабиётларида) деб аталувчи бу сўфийлик оқими Кавказда муридизм номи билан олганлиги, Нақшбандия пирлари дарвешлар орқали қўзғолонга мойил бўлиши, 1872 йилда Чирчик воҳасида Хўжа Эшон Кулқарин, 1898 йилда Мингтепада Муҳаммад-Али Эшон халифа қўзғолонлари бунга мисол бўлишини келтириб ўтади<sup>3</sup>.

Юкоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, Нақшбандия тариқати вужудга келиши ва тарқалиши, шунингдек, тарихнинг барча даврларида оддий халқ вакиллариининг тинч ва осойишта турмуши, хотиржамлиги, эл-юртнинг миллий мустақиллиги, ободлиги, инсонларнинг бир-бири билан биродарлиги каби умуминсоний ғояларни тарғиб этиб келган. Ушбу умуминсоний ғоялар мавжудлиги сабабли бу оқим бугунги кунга қадар дунёга кенг тарқалган ва мухлислари сони тобора ортиб бормоқда. Нақшбандийлик тариқатининг бошқа минтакаларга тарқалиш тарихини ўрганиш эса, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб хисобланади.

## ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ – ЎРТА АСР ЮКСАЛИШ ДАВРИ ВАКИЛИ

Раъно Раупова, БухДУ ўқитувчиси

XXI асрда тарбиянинг прагматик, реалистик, антропоцентристик, идеалистик, эркин тарбия, гуманистик ва технократик моделларига амал қилишмоқда. Мазкур тизимни амалга оширишда ушбу моделларнинг ижобий жиҳатлари миллий тарбия хусусиятлари билан уйғунлаштирилади. Жумладан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Бизнинг бош мақсадимиз – Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини муустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат"<sup>4</sup> деган ушбу бош сиёсий ва маърифий концепциясида ўз аксини топган. Шу ўринда жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида **Баркамол шахс**нинг сиёсий ва маданий, мафкуравий иммунитет, ғоявий қуришчанлик даражасини ошириш ва тарбиялашда Хожа Исмаи Бухорийнинг фалсафий-маърифий қарашлари ҳам ижтимоий фикр уйғотади.

Тарихдан маълумки, XII асрнинг охири XIII аср бошларида феодаи тарқоқлик, давлат бошлиқларининг ноаҳиллиги Чингизхоннинг Марказий Осиёни босиб олишини енгилдаштирган эди. Чингизхон қаерга қадам босса, ўша ерга ўлим, харобаликлар пайдо бўлди. Марказий Осиё хўжалиги ва маданий ҳаётида узоқ вақт турғунлик ҳукм сурди. Фан ва маданият инкирозга учради. Мўғуллар Хуросон, Бухоро, Самарқанд, Балх ва Марказий Осиёнинг гуллаб турган бошқа шаҳарларини вайронага айлантирди. "Амир Темур. Мовароуннахрни мўғуллар ҳукумронлигидан озод этиб, бу қадимий мамлакатда мустақил давлат барпо қилган бўлса-да, аммо мазкур диёрда хали барқарор тинчлик ва осойишталик ўрнатилган эмас эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берди. Мовароуннахр ва Хуросонни бирлаштириб, йирик марказлашган давлат тузди."<sup>5</sup> Теуурийлар даврида Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Андижон, Балх ва Бухоро каби катта шаҳарлар йирик маданий марказга айланди. Бунёдкорлик ишлари авж олди. Илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиёти юкори чўққига кўтарилди. Адабиёт, тасвирий санъат, меъморчилик етакчи тармоққа

<sup>1</sup> Насирбеков М. Древность Ташкента. Биография Ходжи-Ахрара.// Туркестанский Сборник. Т. 492. – С. 44-45.

<sup>2</sup> Лыкошин Н. Дивана и Машраб. Жизнеописание популярнейшего представителя мистицизма в Туркестанском крае.// Туркестанский Сборник. Т. 534. – С. 31-44.

<sup>3</sup> Смирнов Е. Дарвишизм в туркестане.//Туркестанский Сборник. Т. 534. – С. 76-95.

<sup>4</sup> Шавкат Мирзиёевнинг 1 ноябр 2016 йилда Ўзбекистон Либерал демократик партияси съездидаги Ўзбекистон Президентлигига номзод сайловолди дастуридан.

<sup>5</sup> Муҳаммаджонов А. Амир Темур. Тошкент, Abu matbuot-konsalt. 2011, 13 б.